
ФАРГОНА ВА УКРАИНА ОЛИЙГОҲЛАРИ ЎРТАСИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Фарғонадаги “Тадбиркорлар уйи”да вилояти туризм ва спорт бош бошқармаси ҳамда Фарғона Давлат университети вакилларининг Украина нинг Одесса Миллий технология университетининг туризм факультети раҳбарияти билан учрашуви бўлиб ўтди.

Одесса Миллий технология университетининг Меҳмонхона-ресторан бизнесида инновацион технологиялар факультети декани Виктория Ткач, Туристик бизнес ва рекреация кафедраси доценти Александр Камушков ҳамда ушбу университетнинг Ўзбекистон ва Қозоғистондаги вакили Сулайман Алимовлар билан этно, эко ва агротуризм соҳаларида таълимда ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинган учрашувда вилоят ҳокимининг ўринbosари Хуршиджон Аҳмедов иштирок этди.

Меҳмонлар кун давомида вилоятимизнинг диққатга сазовор туристик жойлари ва миллий ҳунармандчилик марказлари, олий таълим муассасалари, узумчилик ва этно-туризм обьектлари билан яқиндан танишиб чиқдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-11-15 19:44:12